

Хатна суннатми ёки бидъат?

15:45 / 24.05.2016 5670

«Ҳидоят» журналининг 2001 йилги 2-сонининг 9-бетида «Хатна суннат амал. Суннат қисми болани ётқизиш, хатна қилдириш, холос. Сўнг устага хизмат ҳаққи бериш, рози қилиш. Қолган ишлар ҳаммаси бидъатдир, бидъатга сарфланган маблағ исроф, ўрнига ишлатилмагани учун кишини гуноҳор қилади» дейилган. Лекин «Зикр аҳлидан сўранг»нинг 50-китобчасида «Азийра — хатна муносабати ила маросим» деган жумлаларни ўқиб, тушунмай қолдим. Икки хил муносабатни тушунтириб беринг, илтимос.

ЖАВОБ: Мазкур саволга жавоб беришдан олдин имом Бухорийнинг «ал-Адаб ал-муфрад» китобларига қилинган шарҳдан хатна бобидаги баъзи маълумотларни келтиришга ижозат бергайсиз:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иброҳим алайҳиссалом саксон йилдан кейин Қадум деган жойда ўзларини ўзлари хатна қилдилар», дедилар». Набийларнинг отаси бўлган Иброҳим алайҳиссалом кексайиб қолган пайтларида ҳам ўзларини хатна қилган эканлар. Демак, Аллоҳ таолонинг бу амри ўша пайтда жорий қилинган экан.

Хатна қилдириш суннатдир. Суннат бўлганда ҳам Ислонинг шиорларидан, хусусиятларидан бири саналган суннатдир. Ўғил болаларни кичиклик чоғида хатна қилдириш мусулмон халқларнинг тарқ қилмайдиган одатига айлангани яхши иш. Хатнада закарнинг уч қисмини қоплаб турган юмшоқ тери кесилади. Ўша тери арабчада «қалафа» дейилади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича боланинг ҳолига қараб хатнани кўтарадиган бўлганда қилинади. Етти кунлик болани хатна қилиш шарт эмас. Шунингдек, заифлиги учун хатнага чидай олмайдиганлар ҳам хатна қилинмайди. Хатна қилинмаган одам вафот этса, у ҳам хатна қилинмайди. Хатна ҳолида туғилган шахс ҳам хатна қилинмайди. Агар хатна қилиниши лозим бўлган жойида бирон бир тери бўлса, уни олиб ташлаб лозим бўлади. Хатначининг айби билан хатна қилинган шахсга талофат етса, товон тўланади.

Хатна муносабати билан маросим қилиш машруъдир, шариатда бор нарсадир. Ўғил болаларнинг хатнасини изҳор қилиш суннат. Ёшлигида хатна қилдирилмаганларни ҳам шариат ҳукмларини бузмаган ҳолда кейинроқ бўлса ҳам хатна қилдириш уламоларимиз томонидан тавсия қилинади.

Катта ёшдаги киши мусулмон бўлса ва хатна унга зарар келтириши хавфи бўлса, тарк қилинади. Бир одам, катта ёшда мусулмон бўлгани узри учун хатна қилинмаган бўлса, адолатли бўлади ва шаҳодати қабул қилинади. Узрсиз хатна қилинмаган одамнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди.

Хатна шофеъий ва ҳанбалийлар наздида вожиб, ҳанафий ва моликийлар наздида суннатдир. Бола туғилганидан етти кун ўтганидан бошлаб хатна қилинса бўлаверади, деган уламолар ҳам бор. Баъзилар: етти ёшдан ўн ёшгача хатна қилинса, яхши бўлади, дейишган. Хатначининг катта одамни ёки ўсмирни хатна қилиш учун авратига назар солиши жоиз.

Солимдан ривоят қилинади: «Ибн Умар мени ва Нуъаймни хатна қилдирди. У биз учун кўчқор сўйди. Биз болалар орасида ўзимиз учун кўчқор сўйилганидан мақтаниб юрардик». Демак, хатна муносабати билан жонлиқ сўйиб, зиёфат уюштириш саҳобалардан собит бўлган амал экан. Солим Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг ўғиллари бўлган.

Арабларда олдиндан хатна қилдиришнинг қадри бўлган, Ислом бу ишни тасдиқлаган. Абу Абдуллоҳ ибн Савранинг «Ал-Ҳисомул Маснун фий нусрати аҳлис Сиррил Макнун» номли китобида Икримадан қилинган ривоятда айтилади: «Ибн Аббос ўғилларини хатна қилдирганда ўйинчи эркакларга даъват йўллади. Шунда Ибн Аббос уларга тўрт дирҳам берди».

«Ҳидоят» журналида ёзилган маълумотга келсак, бунинг далилини таҳририятнинг шу ишга масъул бўлган ходимидан сўранг (Аллоҳ билувчидир).